

КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МУСИҚА РИТМИК ХАРАКАТЛАРИГА ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИ

**НОРМАТОВ А., ТЎХТАЕВ М.,
МУСТАФОЕВ С
А.Қодирий номли Жиззах ДПИ**

Мусиқали ритмик ҳаракатларга ўргатиш методлари хилма хилдир.

Бу кўрсатмага эришиш мусиқанинг педагог томонидан ифодали ижро этиш кўрсатмали кўриш (ўйин рақс ҳаракатларининг айрим элементларини кўрсатиш), оғзаки (янги ўйин, рақс ҳақида образли хикоя қилиш, уларни ижро этиш вақтида тушунтириш, эслатиш ва шу қабилар) методларидир.

Кўп ҳолда такрорлаш машқлари методи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Булар фақат ҳаракат малакаларини эгаллаш учунгина эмас, балки болаларнинг мустақил ҳолатларида, улар ижодий топшириқларни бажарётганларида ҳам қўлланади.

Ҳудди кўшиқни ўрганиш жараёнида бўлганидек, ритмика бўйича иш методикаси репертуарини аста - секин ўрганиш, кўшиқлар, ўйинлар, рақслар айниқса энг мураккабларини назарда тутаяди, шунингдек ҳар бир боланинг ёш хусусиятлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олади. Барча усул ва ҳаракатлар бир-бири билан узвий боғланган бир-бирини тўлдириб туради.

Мусиқали ўйинларни ўрганишда педагог фақат кўрсатишдангина эмас, балки образли формада қисқа, аниқ кўрсатмалар формасидаги сўздан ҳам фойдаланилади. Ўйин билан дастлабки таништиришда қуйидаги усул энг мақсадга мувофиқ бўлиб кўринади: аввал мусиқа яхлид ижро этилади, сўнгра ўйиннинг қисқача баёни берилиб, мусиқа такрорланади, шундан сўнгина болалар ўйинни ижро этишга киришадилар. Бундай усулга ўйин воқеали бўлмаган, бироқ у ўз ҳаракатлари билан аниқ бўлган вақтда кўпроқ мурожаат қилинади. Кўшиқ жўрлигидаги ўйинини тушинтиришда ҳам ана шу усулдан фойдаланилади. Ўзбек халқ кўшиғи “Арғамчи” бунга яққол мисолдир.

Халқ ижоди намунаси ҳисобланган болалар ўйинлари ўз таркибида муайян ритмик изчилликка асосланган хатти-ҳаракат, рамзий маъно касб этувчи этнографик деталлар, намуналар, оҳанг ва томошавийлик элементларини яхлит ҳолда мужассамлаштирган синкретик ходисадир.

Болалар ўйинларининг муайян бир қисми бевосита қадимги одамнинг ўз турмуш тарзини бадиий талқин этиш эҳтиёжи туфайли бевосита меҳнат қилиш жараёнида шаклланган. Овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, шунингдек, қадимги ҳунармандчилик, аждодларимизнинг кундалик турмуш тарзи болалар ўйинларининг келиб чиқишига асос бўлган дастлабки ва асосий ижтимоий манбалар сирасига киради.

Болалар ўйинларида навқирон авлоднинг психологияси хусусиятларини, бадиий ижодкорлиги салоҳияти ва имкониятларини ифодалаган, унда болаларнинг воқеликка муносабатлари, эстетик қарашлари ва ранг-баранг туйғу-кечинмалари муҳрланган.

Турли ўйинли машқлар ва воқеали образли ўйинлар ижодий мустақилликни ўстиришда, катта имкониятлар беради. Бу ўйинларда болаларнинг ўйинларда яратувчанлиги ҳар бир болага у ёки бу жараёни ўзича ифодалаш имкониятини беради.